

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2023 йил 7 март куни жиноят ишлари бўйича Термиз туман суди ўз биносида очиқ суд мажлисида раислик қилувчи О.Н.Бегимқулов, халқ маслаҳатчилари Ш.Абдуназаров ва Г.Сапаевалардан иборат таркибда судья ёрдамчиси О.Алихановнинг котиблигида, тарафлардан Термиз туман прокурори ўринбосари Р.Раҳманов ва судланувчи А.Знинг ҳимоячиси Т.Гаффароваларнинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 410-моддаси 3-қисмига асосан судланувчи А.Знинг иштирокисиз 1-1902-2301/15-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Иш ҳужжатларига кўра:

**А.З** - 1963 йил 18 сентябрь куни Афғонистон Ислом Республикасида туғилган, миллати афғон, Норвегия Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, оилали, 4 нафар фарзанди бор, вақтинча ишламайди, Норвегия Республикаси Аскер вилояти, Хеллендамсвеин кўчаси 26-уйда яшайди, унга нисбатан 01.02.2023 йилда гаров эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 246-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд ҳайъати, гувоҳнинг кўрсатуви, давлат айбловчиси ва ҳимоячининг фикрини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, таҳлил ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### **а н и қ л а д и :**

Arab Zaga асли Норвегия давлати, Аскер вилояти, Хеллендамсвеин кўчаси 26-уйда яшаб келиб, 2023 йил 6 январь куни Афғонистон Ислом Республикаси Мозори-Шариф шаҳрида яшовчи яқин қариндошларини кўриш мақсадида бориб, у ерда бўлиши давомида Афғонистон Ислом Республикаси Мозори Шариф шаҳридаги дўконларнинг биридан ўзига нотаниш бўлган сотувчидан ўзининг истеъмоли учун “майдаланган кўкнор бошоғи”га ўхшаш модда ҳамда сочларининг илдизини мустаҳкамлаш мақсадида ўзи фойдаланиши учун ёрлиғида араб алифбосига ўхшаш ёзувлар бўлган 6 дона елим идиш (флаконт)ларда ва 1 дона “Captain Water” номли полиетилен идиш (баклажка)да каннабис мойига ўхшаш суюқлик сотиб олиб, 2023 йилнинг 21 январь куни ушбу воситаларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказиш тақиқланганлигини била туриб, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри ҳудудига божхона назоратидан яшириб олиб ўтишни режалаштирган ва бунинг учун 2023 йил 31 январь куни Ўзбекистон Республикасига киришни режа қилган.

Шундан сўнг, жиний режага кўра, Arab Zaga мазкур гиёҳвандлик дори воситасини Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан яширинча олиб



ўтиш мақсадида, 2023 йилнинг 21 январь куни Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрига келишидан олдин ўзига тегишли бўлган қўл сумкаларига беркитиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ўтиш мақсадида Тожикистон Республикаси орқали Ўзбекистон Республикасининг “Гулбаҳор” божхона масканига етиб келган.

2023 йил 21 январь куни соат 23:00да Афғонистондан Тожикистон Республикаси ҳудуди орқали Ўзбекистон Республикасига ўтиш учун “Гулбаҳор” чегара божхона постининг пиёдалар “кириш” залига кириб келган Норвегия давлати фуқароси Arab Zarанинг қўл юклари божхона назоратидан ўтказилганда, унга тегишли бўлган “DARVISH” номли қора рангли қўл сумкаси ичидаги рангсиз целлофан пакетда “майдаланган кўкнор бошоғи”га ўхшаш модда ҳамда “LUCAS” номли сумкасининг ичида ёрлиғида араб алифбосига ўхшаш ёзувлар бўлган 6 дона елим идиш (флакон)ларда ва 1 дона “Captain Water” номли полиетилен идиш (баклажка)да каннабис мойига ўхшаш суюқлик борлиги аниқланиб, тегишли тартибда расмийлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКМБнинг 2023 йил 30 январдаги 59-сонли эксперт хулосасига кўра, Arab Zarадан олинган “майдаланган кўкнор бошоғи”га ўхшаш модда гиёҳвандлик воситалари туркумига кирувчи соф вазни 64,12 (олтмиш тўрт бутун юздан ўн икки) грамм бўлган “кўкнор сомони” гиёҳвандлик моддаси эканлиги ҳамда “кўкнор сомони” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрь кунидаги “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги 878-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомаласи тақиқланган гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилганлиги аниқланган.

Шунингдек, 6 дона елим идиш (флакон)ларда ва 1 дона “Captain Water” номли 0,5 литр ҳажмдаги полиетилен идиш (баклажка)даги суюқликлар таркибида гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд эмаслиги аниқланган.

Судланувчи А.З ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлмаганлиги ва Норвегия Республикасига кетганлиги сабабли уни топишнинг имкони бўлмаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 410-моддаси 3-қисмида, ишнинг судланувчи иштирокисиз муҳокама қилинишига судланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган ва судга келишдан бўйин товлаган, унинг йўқлиги иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга монелик қилмаган тақдирдагина ёхуд у ушбу Кодекснинг 272-моддасида назарда тутилган тартибда суд мажлиси залидан чиқариб юборилган бўлса, йўл қўйилиши мумкинлиги белгиланган.



Суд, Норвегия Республикаси фуқароси А.З ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эмаслиги, Ўзбекистон Республикаси ва Норвегия Республикаси ўртасида жиной жавобгарликка тортиш учун шахсни бериш тўғрисида шартнома тузилмаганлиги, уни Ўзбекистон Республикасига экстрадиция қилиб суд мажлисига олиб келтиришнинг имконияти йўқлиги сабабли ишни А.Знинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Судланувчи А.Знинг айби қуйидаги судда текширилган далиллар билан тасдиқланади.

Гувоҳ Ж.Турақулов судда, 2023 йил 21 январь куни ўзини божхона ходимлари бир иш юзасидан холис сифатида қатнашиб беришини сўрашганлиги, ўзи ўз хохиши билан холис сифатида иштирок этишга рози бўлганлиги, 2023 йил 21 январь куни соат 23:00да “Гулбаҳор” чегара божхона постида Тожикистон Республикасидан Ўзбекистон Республикасига ўтиш учун постнинг “кириш” пиёдалар зали орқали кириб келган Норвегия Республикаси фуқароси А.Зга тегишли бўлган қўл юклари божхона ходимлари томонидан божхона назоратидан ўтказилганда, унга тегишли бўлган “DARVISH” номли қора рангли қўл сумкаси ичидаги рангсиз целлофан пакетда “майдаланган кўкнор бошоғи”га ўхшаш модда ҳамда “LUCAS” номли йўл сумкасининг ичида ёрлиғида араб алифбосига ўхшаш ёзувлар бўлган 6 дона елим идиш (флакон)ларда ва 1 дона “Captain Water” номли полиетилен идиш (баклажка)да каннабис мойига ўхшаш суюқлик борлиги аниқлаганлиги, сўнг божхона ходими “Гулбаҳор” чегара божхона пости маъмурий биносининг алоҳида хонасида фуқаро А.З, таржимон, ўзи ва иккинчи холисга Ўзбекистон Республикаси қончилигида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирган ҳолда аниқланган ҳолат юзасидан тегишли процессуал хужжатларни расмийлаштирилганлиги ҳамда “майдаланган кўкнор бошоғи”га ўхшаш модда ва ёрлиғида араб алифбосига ўхшаш ёзувлар бўлган 6 дона елим идиш (флакон)ларда ва 1 дона “Captain Water” номли полиетилен идиш (баклажка)да каннабис мойига ўхшаш суюқликларни гиёҳвандлик воситаси бўлиши мумкунлигига шубҳа қилиб, кўздан кечириш ва олиб қўйиш процессуал ҳаракатини амалга оширишганлиги, кўздан кечириш ва олиб қўйиш ҳаракати давомида фуқаро А.Знинг “DARVISH” номли қора рангли қўл сумкаси ичидаги рангсиз целлофан пакетда бўлган “майдаланган кўкнор бошоғи”га ўхшаш модданинг целлофан пакети очиб кўрилганда ушбу модда майдаланган, оч яшил рангда, ўзига хос ўткир ҳидли эканлиги ва ушбу модданинг орасида қуруқ кўк чой доначаларига ўхшаш майда моддалар борлиги аниқланганлиги, ушбу рангсиз целлофан пакетдаги “майдаланган кўкнор бошоғи”га ўхшаш модда ўрами билан “Samgy” номли электрон тарозида ўлчаб кўрилганда 70 граммни ташкил этганлиги, божхона ходими А.Знинг иккинчи “LUCAS” номли йўл сумкасининг ичидан аниқланган 6 дона елим идиш (флакон)лардаги каннабис мойига ўхшаш моддаларни кўздан кечирганлиги, кўздан кечириш давомида ушбу 6 дона пластик идишлардаги моддалар суюқ ҳолда, ранги тўқ сариқ, пластик идишларнинг



ёрлиғида араб ёзувларига ўхшаш белгилар ва аёл кишининг сурати борлиги аниқланганлиги, ушбу пластик идишларга қадлоқланган 6 дона каннабис мойига ўхшаш суюқликлар пластик идиши билан оғирлиги “Samgy” номли электрон тарозида ўлчаб кўрилганда 383 граммни ташкил этганлиги, А.Знинг иккинчи “LUCAS” номли йўл сумкасининг ичидан аниқланган 1 дона 0,5 литр ҳажмдаги пластик идишдаги суюқлик текшириб кўрилганда, ушбу суюқлик қадоқланган пластик идиш ёрлиғида “Captain Water” ва турли ҳил араб ёзувларига ўхшаш ёзувлар борлиги, суюқлик тўқ-сарик рангда эканлиги, ушбу суюқлик пластик идиши билан оғирлиги “Samgy” номли электрон тарозида ўлчаб кўрилганда 416 граммни ташкил этиши аниқланганлиги ҳамда ушбу рангсиз целлофан пакетдаги “майдаланган кўкнор бошоғи”га ўхшаш модда қоғоз конверт ичига ва пластик идишларга қадоқланган каннабис мойига ўхшаш суюқликлар эса целлофан пакетга фуқаро А.З, таржимон, ўзи ва иккинчи холис иштирокида жойлаштирилиб Сурхондарё вилояти божхона бошқармасининг 055-рақамли думалоқ, сиёҳ рангли муҳри билан муҳрланиб, таркибини текшириб кўриш мақсадида вақтинча сақловга олинганлиги, ўзи юқоридаги барча ҳолатларда холис сифатида иштирок этиб, тузилган ҳужжатларни ўқиб чиқиб имзолаганлигини баён қилиб кўрсатув берди.

Суд ҳайъати, давлат айбловчисининг хулосасини, гувоҳнинг кўрсатувларини, ҳимоячининг фикрини эшитиб, шунингдек, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи А.Знинг жиноят содир этганликдаги айби унинг ўзини берган кўрсатувларидан ташқари, дастлабки тушунтириш хатлар, гувоҳ Ж.Тўрақуловнинг тергов ва суддаги кўрсатувлари, гувоҳ Ю.Бегалиевнинг терговдаги кўрсатувлари, фотосуратлар ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Судланувчи А.Знинг жиноят содир этганликда айби гувоҳнинг суд мажлисида берган кўрсатувларидан ташқари;

2023 йил 21 январь куни соат 23:00да Афғонистондан Тожикистон Республикаси ҳудуди орқали Ўзбекистон Республикасига ўтиш учун “Гулбаҳор” чегара божхона постининг пиёдалар “кириш” залига кириб келган Норвегия давлати фуқароси Arab Zarанинг қўл юклари божхона назоратидан ўтказилганда, унга тегишли бўлган “DARVISH” номли қора рангли қўл сумкаси ичидаги рангсиз целлофан пакетда “майдаланган кўкнор бошоғи”га ўхшаш модда ҳамда “LUCAS” номли сумкасининг ичида ёрлиғида араб алифбосига ўхшаш ёзувлар бўлган 6 дона елим идиш (флаконтлар) ва 1 дона “Captain Water” номли полиетилен идиш (баклажка)да каннабис мойига ўхшаш суюқлик борлиги аниқланган.

2023 йил 21 январь кунги видео камера қўллаган ҳолда ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва далилий ашёни олиш тўғрисида баённома;

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКМБнинг 2023 йил 30 январдаги 59-сонли эксперт хулосасига кўра, Arab Zarадан олинган “майдаланган



кўкнор бошоғи”га ўхшаш модда гиёҳвандлик воситалари туркумига кирувчи соф вазни 64,12 (олтмиш тўрт бутун юздан ўн икки) грамм бўлган “кўкнор сомони” гиёҳвандлик моддаси эканлиги ҳамда “кўкнор сомони” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрь кунидаги “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги 878-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомаласи тақиқланган гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилганлиги ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ эксперт криминалистика бош маркази томонидан 3,32 грамм мойсимон суюқлик сарфланганлиги ҳамда 0,62 грамм кўкнор самони тадқиқот мобайнида сарфланганлиги эътироф этилган.

Суд ҳайъати, А.Знинг содир этган жиноий ҳаракатига юридик баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан унинг божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб гиёҳвандлик моддасини контрабанда қилганликда ифодалаган ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сонли қарорининг 17-бандида, ЖК 246-моддасига мувофиқ, божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи заҳарли, заҳарловчи, портловчи моддалар, радиоактив материаллар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни, ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламалар, радиоактив материалларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш жинояти - контрабандани ташкил этишлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд ҳайъати, судланувчи А.Зга жазо тайинлашда муқаддам судланмаганлигини, чет эл фуқароси эканлигини ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолат, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир этганлиги ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этишни лозим топди.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг раҳбарий тушунтиришлари ва қонун талабларидан келиб чиқиб, А.Зга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, муқаддам судланмаганлигини, чет эл фуқароси эканлиги, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудини тарк этганлиги инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 246-моддаси 2-қисми билан шу Кодекснинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилмаган базавий ҳисоблаш миқдоридан жарима жазоси тайинлашни;

- А.Зга нисбатан “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ Сурхондарё вилоят бошқармасининг депозит ҳисоб рақамига гаровга қўйилган 11.000.000 сўм пулларнинг тайинланаган жаримани қоплатишга қаратишни;

- ашёвий далил тариқасида олинган ДХХ Сурхондарё вилоят бошқармасига 06.02.2023 йил №00208-сонли квитанция билан топширилган жами 64.12 грамм “Кўкнор сомони” ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилишни;

- А.Зни Ўзбекистон Республикасидан депортация қилишни;

- А.Зни Ўзбекистон Республикасидан депортация қилишни ва унинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетганлиги сабабли тегишли белги қўйиш учун Термиз туман ИИБ М ва ФРБ бўлимига ҳукм нусхасини маълумот учун юборишни лозим топди.

Шунингдек, видео камера қўллаган ҳолда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва далилий ашёни олиш тўғрисидаги баённомага илова қилинган 1 дона ДВД дискни иш билан бирга сақлашни лозим топди.

Юқорида баён қилинганларга кўра Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 410, 415, 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

#### **ҳ у к м қ и л д и :**

**А.З** Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 246-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

А.Зга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 36 баравари, яъни 10.800.000 сўм миқдоридан жарима жазоси тайинлансин ва жарима давлат фойдасига ундирилсин.

А.Зга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ Сурхондарё вилоят бошқармаси депозит ҳисоб рақамига гаровга қўйилган 10.800.000 сўм тайинланган жаримани қоплашга қаратилсин, қолган 200.000 сўми давлат эгалигига ўтказилсин.



Ашёвий далил тариқасида олинган ДХХ Сурхондарё вилоят бошқармасида сақланаётган 64.12 грамм “Кўкнор сомони” ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилинсин.

А.3 Ўзбекистон Республикасидан депортация қилинсин.

А.3 Ўзбекистон Республикасидан депортация қилинсин ва унинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетганлиги сабабли, тегишли белги қўйиш учун Термиз туман ИИБ М ва ФРБ бўлимига ҳукм нусхасини маълумот учун юборилсин.

Тергов ҳаракатлари туширилган 1 дона ДВД диск иш билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб 20 сутка ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Термиз туман суди орқали Сурхондарё вилоят судига апелляция тартибида тартибида шикоят, прокурор эса протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи: (имзо) О.Бегимкулов

Халқ маслаҳатчилари: (имзо) Ш.Абдуназаров

(имзо) Г.Сапаева

Аслига тўғри: О.Бегимкулов

